



QR коди
орқали
газетанинг
электрон
вариантини
юклаб олинг!



МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАХКАМ ҚАЛҚОНИ

Маълумки, мамлакатимизда ҳар йили 14 январь – Ватан ҳимоячилари кун муносабати билан кенг кўламли тадбирлар ўтказилади. Ўзбекистон “Адолат” СДП томонидан ҳам анъанавий тарзда Ватанимиз ҳимоячилари кунига бағишланган байрам тадбирлари ўтказиб келинмоқда.

Дил сўзи



Муҳаббат ШАРОПОВА,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
халқ депутатлари Қашқадарё вилоят
Кенгаши депутати

Йиллар фаровон келажакка элтар

Президентимиз томонидан юртимизда инсон қадрияти улуғлаш борасидаги кенг кўламли ислохотлар олиб борилаёпти. Шаҳар ва қишлоқларда янгиланишлар давом эттирилиб, халқимизнинг турмуш тарзи янада яхшиланмоқда. Дарвоқе, янгиланишлар йирик шаҳарларимиз марказидан энг чекка қишлоқ ва маҳаллаларгача кириб бормоқда.

Депутатлик сўровига жавоб

Назорат тадбирлари давом этмоқда

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, “Адолат” СДП фракцияси аъзолари Қ.ЖҲҲАЕВ, М.ХУШВАҚТОВА ва О.МАМИРОВАнинг 25.12.2023 йилдаги 20-03/20ДС-сонли депутатлик сўровига

Бош прокуратура ҳузуридаги Департамент томонидан сифатсиз ва қалбакилаштирилган дори воситаларининг ноқонуний муомаласига ҳамда дори воситалари нархларининг шаклланишидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш борасида тизимли ишлар йўлга қўйилган. Хусусан, 2023 йил январь-ноябрь ойларида сифатсиз ва қалбаки дори воситалари ҳамда тиббий буюмларнинг ноқонуний муомаласига чек қўйиш юзасидан ўтказилган тезкор-қидирув тадбирлари натижасида 123 та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, 57 та жиноят иши қўзғатилган.

Улар доирасида 175 минг дона қалбаки дори воситалари муомалага қиритилишининг олди олинган.

Бундан ташқари, тезкор тадбирларда психотроп, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналогларини ҳамда таркибиди

кучли таъсир қилувчи моддалар бўлган дориларни қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш, сақлаш ва ўтказиш билан боғлиқ 138 та жиноятга чек қўйилди.

Бунда 5,4 кг оғирликдаги 86,6 минг дона кучли таъсир этувчи ва психотроп моддалар ноқонуний муомаладан олиб қўйилган.

Шу билан бирга, дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг улгуржи ва чакана савдоси билан шуғулланувчи ташкилотларда нархларни шакллантириш тартибларига риоя этилиши устидан ўтказилган назорат тадбирлари натижасида 35 та ҳолатда 3,7 млрд. сўмлик нархларни сунъий ошириш ҳолатлари аниқланган.

Ушбу ҳолатлар юзасидан 13 та жиноят иши қўзғатилиб, 22 та маъмурий иш юритилган ҳамда улар бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ чоралар қўриш учун

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳудудий бошқармаларига тақдимномалар киритилган.

Масалан, Учтепа тумани Тиббиёт бirlашмаси, “Islom Ifitox Farm” ва “Health Pharm Pharmacy” МЧЖ мансабдор шахслари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 31.10.2016 йилдаги ПҚ-2647-сонли қарори талабларига зид равишда 94 турдаги дори-дармон ва тиббиёт буюмларига белгиланган 15 фоизлик устамдан 121,5 млн. сўм қиммат нархда харид қилиб, бюджет маблағларини ўзлаштирганлиги аниқланган.

Ушбу ҳолат юзасидан қўзғатилган жиноят иши айблов ҳулосаси билан судга мазмунан қўриб чиқишлик учун юборилган.

Қайд этиш жоизки, Адлия вазирлигиндан 10.06.2020 йилда 3242-сонли рақам билан давлат рўйхатидан ўтказилган Ре-

ферент нарх шакллантириш тизими доирасида дори воситалари нархларини қайд этиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ дори-дармон воситаларига референт (чекланган) нархлар дори воситаларининг таркиби ва ҳусусиятини аниқ бир хиллигидан қатъий назар ҳар бир ариза берувчи субъект учун алоҳида белгиланади.

(Буғунги кунда рўйхатдан ўтказилган 10 765 та дориининг 9 196 таси ёки 85,4% учун референт нарх белгиланган)

Шунга қўра, аниқ бир турдаги маҳаллий ишлаб чиқарилган ва импорт қилинган дориининг чекланган нархи ҳар бир субъект бўйича алоҳида ва турлича бўлиб, айрим маҳаллий дориларнинг чекланган нархлари импортниқига нисбатан юқори ёки бунинг аксига шаклланади.

МАЪНАВИЯТ ҲАЁТИМИЗ ГУЛТОЖИГА АЙЛАНАДИ

Бугун устозининг ёқасидан олаётган, уялмай ҳақорат қилаётган ўқувчиларнинг ёки уларнинг ота-оналари, яқинларининг салбий муносабатларидан ёқа ушлаймиз. Ахир фарзанднинг тарбияси, ёш авлоднинг келажаги сизу биз учун муҳим эмасми? Кибру ҳавога берилиб, катталарга беписанд муносабатда камолга етаётган жигарбандларимизни ортқча “меҳрибонлик” билан манкурт қилиб қўймаймизми?



КОВРАКЗОРДА ЧОРВА БОҚИЛМОҚДА...

...коврак плантациялари ер майдонларига маҳаллий чўпонлар томонидан турли ҳолатлар бўйича босим ўтказилиб, кескин қаршилиқ қилинаётганлиги, чорва моллари атайлаб коврак экиладиган ер майдонларида боқилаётгани, экин майдонлари пайхон бўлаётганлиги аниқланди.

БИЗ БИЛАН “ГУЛДУРГУП” ЎЙНАМАНГ

Аваллари идиш синдириб қўйсақ, акам иккаламиз онам билмаслиги учун “Ўрага сичқон тушди, гулдургуп!” деб ёмон қилмишимизни яширардик. Лекин эрта турмуш ҳақида гап кетганида бевосита масъул ташкилотларнинг бундай қилиши ярашмайди. Бу фақат ўзимизга зарар келтиради. “Гулдургуп” ўйнаб ўзимизни ўзимиз алдамайлик!

НАЗОРАТ ТАДБИРЛАРИ давом этмоқда

Масалан, "Цефтриаксон на-
трия. Порошок для пригото-
вления раствора для инъекций 1 г
флаконы" дорисининг **чакана
чекланган нархи** "Dentafill Plyus 2"
МЧЖда (Ўзбекистон) — **7 038 сўмни**,
Ҳиндистоннинг "PVT LTD Harasha
Pharma" корхонасида **3 072,1
сўмни** ташкил қилган.
Ёки "Аргинин гидрохлорид" (Ар-
нин Раствор для инфузий 42 мг/
мл 100 мл флаконы) дорисининг
чекланган чакана нархи "Co. Ltd
Cisen Pharmaceutical"(Хитой)да —
54 559,5 сўм, ЧАО "Фармацевтиче-
ская фирма Дарница"(Украина)да —
55 650,4 сўм, маҳаллий "Radiks"
МЧЖда — **75 900 сўм**, "Remedy
Group" МЧЖ ҚҚда — **66 240 сўм**,
"Samarkand-England Eco-Medical"
МЧЖ ҚҚда — **69 000 сўм** қийматда
белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Прези-
дентининг 26.10.2022 йилдаги "Аҳо-
лини сифатли дори воситалари ва
тиббий буюмлар билан таъминлаш
юзасидан қўшимча чора-тадбирлар
тўғрисида"ги ПҚ-411-сонли қарори

билан дори воситаларининг чакана
савдосида жамоатчилик назоратини
жорий этиш мақсадида 2023 йил 1
майдан бошлаб:
— жисмоний шахслар томонидан
сотиб олинган дори воситалари учун
дорихоналар томонидан тақдим эти-
ладиган харид чекининг фискал бел-
гиси матрицали штрих код (QR-код)
ёрдамида сканерлаш орқали солиқ
органларининг махсус мобил илова-
сида рўйхатдан ўтказилганда дори
воситалари нархлари Фармацевтика
тармоғини ривожлантириш агент-
лигининг ахборот тизимидаги дори
воситаларининг чакана референт
нархлари билан автоматик тарзда
солиштириш;
— матрицали штрих код (QR-код)
ёрдамида сканерлаш натижасида
дори воситаларининг чакана нархла-
рига белгиланган устамалар ошириб
қўлланилганлиги аниқланган тақ-
дирда, тегишли чора кўриш учун бу
ҳақда истеъмолчилар ҳуқуқларини
ҳимоя қилиш учун махсус ваколат
берилган давлат органига автоматик
равишда хабар юбориш;

— харид чеки бўйича нарх дори
воситасининг чакана референт нар-
хидан ортиқ деб топилганда, ушбу
маълумот асосида ўтказилган тек-
шириш якунига кўра ҳуқуқбузардан
белгиланган тартибда жарима унди-
рилишини таъминлаш белгиланган.
Бунда харид чекида сотиб олинган
дори воситалари ва тиббий буюм-
ларнинг тўлиқ миқдорда кўрсатил-
маслиги савдо ёки хизмат кўрсатиш
қоидалари тўғрисидаги қонунчи-
ликини бузиш сифатида эътироф эти-
лиши қайд этилган.
Мазкур талаблар ижросини таъ-
минлаш мақсадида Рақобатни ри-
вожлантириш ва истеъмолчилар
ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси
томонидан **"Fair Tech"** ягона ахбо-
рот тизими ишга туширилиб, ушбу
йўналишдаги назорат тадбирлари
рақамлаштирилган.
Департамент органлари Рақо-
батни ривожлантириш ва истеъмол-
чилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қў-
митаси билан ҳамкорликда дори
воситаларини чекланган савдо уста-
маларидан қиммат сотган дорихона-

ларга чора кўриш мақсадида лицен-
зияловчи органга — Соғлиқни сақлаш
вазирлигига тақдимномалар киритиб
борилмоқда.
Бундан ташқари, аҳолини **арзон**
ва **сифатли** дори воситалари бил-
лан таъминлаш, дори воситала-
рининг **ноқонуний айланмасига**
барҳам бериш ҳамда давлат на-
зоратининг самарадорлигига
салбий таъсир кўрсатувчи омиллар
таҳлил қилиниб, ишлаб чиқилган
таклифлар Ўзбекистон Республи-
каси Президенти Администрацияси-
га киритилган.
Ушбу йўналишда Департамент то-
монидан тезкор-қидирув ва таҳли-
лий тадбирлар давом эттирилмоқда.
Таҳлилий маълумот илова қилин-
моқда.

Ш. Ш. СОХИБНАЗАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси ҳузуридаги
Иқтисодий жиноятларга
қарши курашиш департаменти
бошлиғи

2024 ЙИЛ — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

Кейинги йилларда ёшларга бўлган эъти-
бор, уларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, яра-
тилаётган шароит ва имкониятларни ҳар
бир ёш ўз ҳаёт тарзида, фаолиятида ҳис қи-
либ турибди. Янги таҳрирдаги Конституци-
ямизда ҳам ёш авлоднинг ҳуқуқ ва манфа-
атлари алоҳида мустаҳкамлаб қўйилди.

Муҳаммаджон ВАЛИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилиқ
палатасининг Ёшлар масалалари
бўйича комиссияси раиси



Мамлакат тараққиётининг ДРАЙВЕРИ

Унда оила, болалар ва ёшлар учун
алоҳида боб ажратилди. Асосий қо-
нунимизнинг 79-моддасида давлат
ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисо-
дий, ижтимоий, маданий, экологик
ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъ-
минлаш, уларнинг жамият ва давлат
ҳаётида фаол иштирок этишини рағ-
батлантириш, интеллектуал, иқоди-
ий, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан
шаклланиши ҳамда ривожланиши
учун, уларнинг таълим олишга, соғ-
лиғини сақлашга, уй-жойга, ишга қой-
лашишга, бандлик ва дам олишга
бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш
учун шарт-шароитлар яратиши бел-
гилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Прези-
дентининг "Ўзбекистон — 2030" стра-
тегияси тўғрисида"ги фармони ҳам
ёшлар салохиятини юксалтириш,
уларнинг ҳар томонлама ривожла-
ниши учун мустаҳкам ҳуқуқий асос
вазифасини ўтовчи ҳужжат бўлиб
хизмат қилмоқда.

Стратегияда ёшларни замонавий
касблар ва чет тилларга ўқитиш ти-
зими яратилиши кўзда тутилган. Бу
мақсадга эришиш учун ҳар бир ви-
лоятда 1 тадан "Креатив парк" фао-
лиятини ташкил этиш, уларга йилгига
камида 40 минг ёшни жалб этиш ва-
зифаси қўйилган. Мактаб битирувчи-
лари камида 2 та хорижий тил ва 1 та
касб эгаллашини таъминлаш белги-
ланди.

Ушбу йўналишда илмий ва инно-
вацион фаолият, интеллектуал ўйин-
лар ҳамда чет тилларни ўрганишга
жалб этиш орқали камида 2 миллион
ёшнинг иқтидорини ривожлантириш
каби мақсад ва марралар қўзлан-
ган. Ҳар йили 500 нафар истеъдодли
ёшни хорижнинг нуфузли олийгоҳла-
рига ўқишга юбориш режалашти-
рилган. Бу йигит-қизларнинг жаҳон
меҳнат бозорида талабгир кадрлар
бўлиб етишишига замин ҳозирлайди.

Стратегияда 400 минг ёшнинг
бандлигини таъминлаш ва муаммо-
ларини ҳал этишга эришиш ҳамда
ёшлар ишсизлиги даражасини 14 фо-

издан 11 фоизга камайтириш юзаси-
дан чора-тадбирлар ҳам ўз аксини
топган. Шу билан бирга, ёшлар ўрта-
сида IT соҳасини янада оммалашти-
риш, соҳада хизматлар экспортини
оширишга алоҳида эътибор қаратил-
ган. Бунинг учун IT соҳасида 300 минг
ёшни иш билан таъминлаш кўзда ту-
тилган. Мактаб ўқувчилари халқаро IT
бозорида талаб юқори бўлган замо-
навий касбларга ўргатилиши ҳамда
"Бир миллион дастурчи" лойиҳасини
кенгайтириш ва ҳар йили энг иқти-
дорли 15 минг ёшни нуфузли халқаро
компаниялар талабларига мос да-
стурлар асосида тайёрлаш тизими
йўлга қўйилиши юзасидан амалий чо-
ралар белгиланди.

Келгусида жисмоний тарбия ва
спорт билан шуғулланадиган ёшлар
сонини кўпайтириш, оммавий спорт
камровини кенгайтириш стратегия-
нинг асосий мақсадларидан биридир.
Оммавий спорт тадбирларини ташкил
этиш орқали унга ёшлар қамровини 8
миллиондан ошириш ҳамда жисмо-
ний тарбия ва спорт билан шуғулла-
ниш учун камида 5 мингта маҳаллада
спорт майдончалари барпо этилиши
назарда тутилган.

Бугунги кунда билим олишга, за-
монавий касб-хунар эгаллашга, турли
йўналишларда иқтидорини намоён
этишга, тадбиркорлик қилишга яра-
тилган шароитлар натижасида ёшлар
қўллаб-қувватлаш янги марраларни
забт этмоқда. Хусусан, олий таълим
тизимида ҳам ёшларга кенг имкони-
ятлар яратилмоқда. Олий таълим
муассасалари сони салкам уч карра
кўпайиб, уларга қамров даражаси 9
фоиздан 42 фоизга етгани замонавий
илм ва касб соҳаларини эгаллашда
ёшлар учун янги имкониятлар эши-
гини очмоқда. 2030 йилга бориб бу
кўрсаткич 50 фоиздан ошиши кутил-
моқда. Таълим тизимидаги ислохот-
лар юртимизда Учинчи Ренессансга
пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Ёшлар тадбиркорлигини қўл-
лаб-қувватлаш ва бандлигини таъ-
минлаш бугунги кунда устувор йўна-

лишга айланди. Мамлакатимизда 30
ёшгача бўлган ёшлар 19 миллиондан
ортиқ ёки аҳолининг 55 фоизини таш-
кил қилади. Меҳнат бозорига ҳар йили
600 минг ёш кириб келмоқда, келгуси
10 йилда улар сони йилгига 1 мил-
лионга етиши кутилмоқда. Охириги
уч йилда 250 минг ёшга 6 триллион
сўмдан зиёд имтиёзли кредит ажра-
тилди. Мамлакатимиз бўйича 210 та
ёшлар саноат ва тадбиркорлик зо-
наси ташкил этилди. Ёшлар тадбир-
корлиги учун 4 триллион сўмлик 2,5
мингта лойиҳа амалга оширилди.
Натижада ёш тадбиркорлар сони 2
карра кўпайиб, 200 мингдан ошди. 43
минг гектар экин майдони ажратилиб,
435 минг ёшларнинг бандлиги таъ-
минланди, 32 мингдан зиёд ёшга суб-
сидия орқали асбоб-ускуна, меҳнат
қуроллари ва компьютерлар олиб бе-
рилди.

Ёшларни иш билан таъминлаш
билан боғлиқ муаммолар ҳал қилин-
моқда. Уларни касбий тайёрлаш ва
қўллаб-қувватлаш дастурлари тас-
диқланди ва амалга оширилмоқда.
Бутун мамлакат бўйлаб касб-хунар
таълими марказлари фаолият кўрсат-
моқда, уларда 50 дан ортиқ касб-ху-
нарлар ўргатилмоқда.

Утган давр мобайнида ёшлар-
нинг ижтимоий ҳимоясини таъмин-
лаш ва ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий
жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича
тизимли ишлар қилинди. Хусусан,
барча маҳаллаларда ёшлар етакчиси
лавозими жорий этилиб, бу вазифага

*Шу жиҳатдан олиб қараганда, давлатимиз раҳбари томонидан
жорий 2024 йилга мамлакатимизда "Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қув-
ватлаш йили" деб ном берилиши негизда жуда теран маъно-маз-
мун ва эзгу мақсадлар мужассамдир.*

*Демак, мазкур йилда ҳам келажак авлод йўлидаги эзгу ташаб-
буслар бардавом бўлади. Ўз наёбатида ёшлар ҳам яратиб берила-
ётган янги имкониятлардан тўлиқ фойдаланган ҳолда, илм-фан,
инновация, замонавий IT касбларини пухта ўзлаштириши, янги ҳа-
ётни, Янги Ўзбекистонни барпо этиш учун бор куч ва имкониятла-
рини тўлиқ сафарбар этиши даркор.*

*Зеро, бугунги кунда ёшларимизга яратилаётган улкан имкони-
ятлар эртанги порлоқ келажакимизнинг мустаҳкам пойдевори бў-
либ қолади.*

интилувчан, ташкилотчилик қоби-
ятига эга, ташаббускор ёшлар сара-
лаб олинди. "Ёшлар дафтери" тизими
йўлга қўйилиб, сўнгги икки йилда 798
мингга яқин ёшга қарийб 1 триллион
сўмлик ёрдам кўрсатилди.
Утган йили 130 минг талабага 1
триллион 700 миллиард сўм таълим
кредити берилди, хотин-қизларнинг
магистратурада ўқиши бепул бўлди.
Эҳтиёжманд оилага мансуб 53 минг
талабага ўқиш учун контракт пул-
лари, 15 мингдан зиёд ёшга ҳарбий
хизмат ва 13 минг ёшга чет тиллар
бўйича имтиҳон харажатлари тўлаб
берилди, 81 минг талабага уй-жой
ижараси тўлови ажратилди. "Ёшлар
дафтери" орқали 300 минг ёшга қар-
ийб 600 миллиард сўмлик ёрдам бе-
рилди.

Бу соҳадаги ишларни янада аниқ
ва манзилли ташкил этиш мақса-
дида 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган
9 миллион ўғил-қиз алоҳида эъти-
борга олинди. Бунда биринчи марта
25 та вазирлик ва идора маълумот-
лари ўзаро уйғунлашган электрон
базага жамланди. Барча ёшларнинг
ижтимоий аҳоли, қобилияти ва қи-
зиқиши ўрганилиб, "маҳалладан ва-
зирликкача" тизимида ишлаш чора-
лари белгиланган бўлди.

Бошқача айтганда, юртимизда
ёшлар сиёсати халқаро умумэтироф
этилган ҳуқуқ ва нормалар билан ҳа-
моҳанг тарзда олиб борилмоқда. Зеро,
ёшлар давлатимизнинг энг катта бой-
лиги, бебаҳо хазинасидир.

Муносабат

Ҳаёт инсон учун берилган улғу неъмат. Уни қадр-
лаш, эъзозлаш, шукрона келтириш ва ҳаёт гўзалликла-
ридан завқ олиш учун ҳам инсонга маънавият, маъ-
рифат даркор. Маънавиятсиз инсон жоҳил ва нафо-
сат оламига бегонадир. Гўзаллик дунёни қутқарар
экан, маънавият инсониятни яхшилик занжири билан
боғлаб, эзгулик йўлига чорловчи улғу қудратдир.



Шаҳноза ҒАНИЕВА,
"Адолат" СДП Фарғона вилоят кенгаши раиси

МАЪНАВИЯТ ҳаётимиз гултожига айланади

Президентимизнинг Республика Маънавият ва маърифат кенгаши-
нинг кенгайтирилган мажлисидаги нутқи "Адолат" СДП Фарғона вилоят
кенгаши жамоаси ва жойлардаги бошланғич партия ташкилотлари-
мизда чуқур ўрганилиб, келгуси вазифалар белгилаб олинмоқда. Мам-
лакатимиз раҳбари маърузасида маънавият, маърифат, маданият ва
санъат аҳлини ўйлантириб келаётган жуда кўп муаммоларга эътибо-
римизни қаратди.

Маънавият ҳақида ўйлар эканман, бувижонимнинг бизларга қарата
айтган "Ҳай, гуноҳ бўлади, уят бўлади", "Қўшиллар эшитмасин", "Овоз
чиқариб кулманглар, оҳиста кулинглар", "Оғзингни очиб эснама, шай-
тон кириб олади" қабилидаги мағзи тарбияга тўлиқ сўзлари ҳаёлимга
келади. Оила оstonасидан бошланган шундай тарбия мезони ўзбек
халқининг қудратини, маънавиятини, маърифатини юксалтириб, уни
дунёга намоян этмадими?

Бугун ҳаётимизга сариқ соя мисоли кириб келаётган оммавий мада-
ният бизни асрий қадриятларимиздан мосуво этаётгандек. "Ўзим учун
ҳам яшай", деб қаҳвахонаю ресторанларда гап-гаштакда юрган онала-
римиз, чойхоналарни макон қилган оталаримиз, спасалонларнинг до-
имий мижозига айланиб бораётган айрим ёшларимиз, "ҳожиди оши"

Бугун ҳаётимизга
сариқ соя мисоли
кириб келаётган
оммавий мада-
ният бизни асрий
қадриятларимиздан мосуво
этаётгандек. "Ўзим учун ҳам
яшай", деб қаҳвахонаю рес-
торанларда гап-гаштакда юр-
ган оналаримиз, чойхоналарни
макон қилган оталаримиз, спа-
салонларнинг доимий мижо-
зига айланиб бораётган айрим
ёшларимиз, "ҳожиди оши" қилиб,
шоҳона дастурхон тузаётган
бобою бувилар, оила катталар-
ининг ёш авлод ҳақида ўй-
лашга, улар билан машғул бў-
лишга вақтлари етмай қолаёт-
гандек гўё...

Биз мактабда таҳсил олган
даврларимиз устозларимиз-
дан олдин бораётган бўлсак,
оҳиста тўхтаб, саломлашган,
уларнинг ортларидан юрар
эдик. Улардан олдин юриш гу-
ноҳ эди. Устоз отангдек улуг,
деган ҳикмат қон-қонимизга
сингиб кетган эди. Бугун
устозининг ёқасидан ола-
ётган, уялмай ҳақорат қи-
лаётган ўқувчиларнинг ёки
уларнинг ота-оналари, яқин-
ларининг салбий муносабат-
ларидан ёқа ушлаймиз. Ахир
фарзанднинг тарбияси, ёш
авлоднинг келажаги сизу биз
учун муҳим эмасми? Кибру

ҳавога берилиб, катталарга беписанд муносабатда камолга етаёт-
ган жигарбандларимизни ортиқча "меҳрибонлик" билан манкурт қи-
либ қўймаймизми?

Бир онаизор ҳузуримга келиб, узоқ вақт кўз ёш тўқди. Аёл узоқ
йиллар бир шаҳардаги телефон тармоқлари идорасида мижозлар
бўлимида ишлаган экан. Якка-ёлғиз, қўзининг оқ-у қораси бўлган
жигарбандининг тўқис ҳаёти деб телефон тўловлари учун тўлан-
ган пуллари ўзлаштириб, давлатнинг, халқнинг мулкига хиёнат
қилиб келган экан. Ўғли камолга етиб, андигина 18 ёшга тўлган
чоғида гиёҳванд моддалар билан қўлга тушиб, 18 йил қамоқ жа-
зосига ҳукм қилинган. "Боламинг йигит умри мени хатойим ту-
файли завол бўляпти", дейди шўрлик она. Бу халқ мулкига хиё-
натнинг аччиқ оқибати эмасми?

Қўштепа туманида халқ "қўзойнакли амма" деб қадрлайдиган бир
кайвони онахон билан суҳбатлашганимда, унга жуда ҳавасим келди.
Она дўппи тикиб, 10 боласига бош бўлиб, ҳаммасини олий маълумотли
қилиб ўқитибди, уйлаб-жойлабди. "Болаларимни бировнинг ҳақиқа хи-
ёнат қилмасликка, ёлғон ишлатмасликка ўргатдим. Болаларим ҳар бир
сўмининг қадрига етишди. Ҳар қанча қийинчиликларга бардошли қи-
либ тарбиялаганим учун ўзим ҳам, болаларим ҳам сабрларимизнинг
ортидаги роҳатни кўриб турибмиз", дейди онахон.

Шу кунларда "Адолатли қайнона" кўрик-танловининг Фарғона вилоят
босқимини ўтказдик. Очиги, бу танлов давомида ўзим ҳам катта маъна-
вий озуқа, ҳаёт тажрибаларидан сабоқ олдим. Ҳар бир онахоннинг ҳа-
ётий тажрибалари, ўғитларида бир олам маъно бор. Аксарият қайно-
наларнинг хунари орқали фарзандларини ҳалол ва покликка ўргатиб,
оила риштасини мустаҳкам тутатган, таълим-тарбияда миллий қадри-
ятларимиз дурдоналари бўлган ривоят ҳикоятлардан, мақоллардан
фойдаланиши таҳсинга сазовор. Оила саодатининг бунёдкори
бўлган учқўприклик Раънохон опа Эргашеванинг ноёб ривоятлари халқ
лапарларини мукаммал билиши, қўйилмақом ижросини кўриб ҳайрати-
ми ошди. Ўзбекистон туманидаги Қўлмалоқхон опа Ғафурова эса қа-
димий хунармандчилигимизни тиклаб, юзлаб хотин-қизларга, ёшларга
касбу кор ўргатаётгани баробарида оила саришталиғи, бирдамлиғи,
рўзгор тутиш, унинг сарф-харажати юритиш ҳақидаги сабоқлари яна
бир эътирофга сазовор. Маърифатли оналаримизнинг ҳар бир сўзи
биз учун ҳаёт мактабидир.

Маълумки, инсон саломатлиги учун донорликнинг аҳамияти жуда катта. Шу сабабли жаҳон амалиёти донорлик борасида нафақат давлат органларининг, нодавлат ташкилотлар ва ҳатто хайрихоҳ инсонларнинг ҳам бегараз ёрдамига таянади.



ҚОНИМ ЖОНИНГГА ДАРМОН БЎЛСИН!

**Абдукамом РАХМОНОВ,
“Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари**

Мамлакатимизда ҳам қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги соҳаси қонун йўли билан тартибга солинган. Ўзбекистон Республикасининг “Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида”ги қонунда маҳаллий давлат бошқаруви органларининг ваколатлари, қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги бўйича ташкилот, муассаса ва корхоналар раҳбарларининг мажбуриятлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг бу соҳада иштирок этиш тартиби белгиланган.

Юртимизда қон ва қон маҳсулотларига бўлган эҳтиёж жуда ҳам катта. Шундай хасталиклар борки, албатта, донор қонига муҳтожлик сездиради. Афсуски, қонни сунъий тарзда ишлаб чиқишнинг имкони йўқ. Унинг ягона манбаи бегараз донорлардир.

Донорликнинг тури кўп. Сўнгги йилларда мамлакатимиз тиббиёт соҳасининг ривожланиши донорлар тури охиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Кимдир ўз буйрагини берса, яна кимдир жигарини бермоқда. Лекин энг катта кўрсаткич қон донорлигидир. Кимлар қон донори бўлиши мумкин, деган савол туғилиши табиий, албатта. Тиббий тавсияларга мувофиқ 18 ёшдан 60 ёшгача бўлган, вазни 55 килограммдан кам бўлмаган, гемоглабин даражаси аёлларда 120, эркекларда эса 130 дан юқори бўлган инсонларнинг бир йилда уч-тўрт мартаба қон топиширишига рухсат бериллади.

Тиббиёт илми билимдонларнинг таъкидлашича, донорлик нафақат қон олувчи, балки қон берувчининг саломатлиги учун ҳам фойдали ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, донорлар бошқаларга нисбатан 5 йил кўпроқ умр кечириши кузатилади.

Аҳоли саломатлиги ва соғлом турмуш тарзи учун алоҳида эътибор қаратиб келаётган Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати ташаббуси билан 7 йилдан буён анъанавий тарзда 8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун ҳамда 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини муносабати билан “Бор меҳримиз сенга, болажон” шiori остида бегараз донорлик акцияси ўтказиб келинмоқда.

Донорлик акциясининг мақсади Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республикада қон билан ишлаш хизмати муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш ва аҳоли орасида бегараз донорлик ҳаракатини ривожлантириш чоралари тўғрисида”ги

Албатта, акциялар доирасида йиғилган қонлар онкологик касалликларга чалинган бемор болажонларнинг ҳаётини сақлаб қолишда муҳим аҳамият касб этади. Ўзаалар соғлиғи ва ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида ўз хоҳиши билан қон топирайдиган саҳий ва саховатпеша ватандошларимиз борлигидан фохрланамиз. Бинобарин, инсон олижаноб фазилатлари, эзгу амаллари билан гўзалдир.

Бундай пайтларда бемор болажонларимизга “Қоним жонингга дармон бўлсин!” дегимиз келади.



**Малоҳатхон МУСАЕВА,
Андижон вилояти кенгаши раиси ўринбосари**

қарори ижросини таъминлашга кўмаклашиш, республикамизнинг барча ҳудудларида тиббий-ижтимоий кўмакка муҳтож болаларни қўллаб-қувватлашга, бемор болаларнинг ҳаётини сақлаб қолишга, жамиятда инсонпарварлик ва меҳр-оқибат ғояларини тарғиб қилишга қаратилган.

Инсонпарварлик ва меҳр-оқибат, саховат ва бағрикенглик каби ҳислатлар маънавий дунёимизда муҳим ўрин тутди. Айниқса, бемор ҳолидан хабар олиш, беморга ёрдам бериш, беморнинг кўнглини овлаш савобли ишлар сифатида қаралиб, миллий қадриятларимиз ўзанига айланган.

Пировардида, партия ташаббуси билан ўтказилган акциялар натижаси бўйича берилган расмий маълумотларга кўра, республика миқёсида 21 минг 687 нафар донор иштирок этиб, 9 тонна 759 литр қон йиғилган ва йиғилган қонлар 43 минг 374 нафар қонга муҳтож болажонлар ҳаётини сақлаб қолиш учун ишлатилган.

Жумладан, жорий йилнинг 1 декабрь кунини ўтказилган акция доирасида республика бўйича жами 2 минг 235 нафар донор кўнгилли равишда топишган қон 1 минг 007 литрни ташкил этди. Бу эса республикамиз бўйлаб 4 минг 500 нафардан ортиқ хаста болажонларнинг дардига малҳам бўлади.

Очиги, ўтказаятган акцияларимиз давомида қон топиришга хайрихоҳ инсонларнинг йил сайин кўпайиб бораётгани бизни қувонтиради. Айниқса, аҳоли вакилларининг – давлат ташкилотлари ва муассасалари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган ташкилотлар, олий ва ўрта таълим муассасалари вакиллари, талабалар, журналист ва блогерлар ҳамда фаол фуқароларнинг ушбу эзгу иш ва бир мақсад атрофида жипслашуви яққол намойён бўлди.

Табиат инсониятга туҳфа этган бебаҳо неъматлар – сув ва ҳаво бутун борлиққа жон бахшида этгани каби томирларда оқаётган ҳар бир томчи қон ҳам инсониятнинг тириклик манбаи демакдир. Айни мана шундай вазиятларда ҳамюртларимизнинг бемор болалар саломатлиги учун кўнгилли равишда бегараз қон топираётганлиги халқимиз орасида мурувват, саховат ва ўзаро меҳр-оқибат йўқолмаганлигидан, аксинча, юксалиб бораётганлигидан далолат беради. Шу ўринда **донорларга Давлат мукофоти сифатида “Халқ донори” унвонини таъсис этиш ва уларга преференциаллар беришни назарда тутувчи “Донорлар тўғрисида” қонун қабул қилишни таклиф этаман.**

Албатта, акциялар доирасида йиғилган қонлар онкологик касалликларга чалинган бемор болажонларнинг ҳаётини сақлаб қолишда муҳим аҳамият касб этади. Ўзаалар соғлиғи ва ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида ўз хоҳиши билан қон топирайдиган саҳий ва саховатпеша ватандошларимиз борлигидан фохрланамиз. Бинобарин, инсон олижаноб фазилатлари, эзгу амаллари билан гўзалдир.

Бундай пайтларда бемор болажонларимизга “Қоним жонингга дармон бўлсин!” дегимиз келади.

Миллат тарбиячиларига яратилаётган янги имкониятлар

Бугун юртимизда хотин-қизлар ва эркекларнинг ҳуқуқ ва имкониятлари тенглигини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини мустаҳкамлаш, давлат бошқарувидаги ролини ошириш бўйича олиб борилаётган изчил ислохотлар, жамият ва давлат ҳаётидаги ролини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

**Гулнисо САИДОВА,
“Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши
Марказий аппарати
Аёллар ва ёшларнинг сиёсий фаоллигини ошириш бошқармаси бошлиғи**



Мамлакатимизда сўнгги йилларда гендер тенгликни таъминлашни қонунчилик доирасида мустаҳкамлаш, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш юзасидан 20 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Ўз ўрнида, Ўзбекистон “Адолат” СДП томонидан ҳам жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида хотин-қизлар фаоллиги ва ролини ошириш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини мустаҳкамлаш, аёлларни пассив кузатувчи эмас, балки мамлакатда рўй бераётган демократик ўзгаришларнинг фаол ва ташаббускор иштирокчисига айлантириш мақсадида қатор лойиҳалар амалга ошириб келинмоқда.

Қайд этиш жоизки, мазкур соҳада фаолиятимизнинг самарали амалга оширилаётганлигини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига партия-миздан сайланган депутатларнинг 50 фоиздан ошиғи, ҳудудий Кенгашилардаги депутатларимизнинг 35 фоизи аёллардан иборатлиги яна бир бор тасдиқлайди. Шунингдек, партия-миздан сайланган депутатлар ташаббуси билан гендер тенгликни таъминлаш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги аёл депутатлар улушини 30 фоиздан 40 фоизга ошириш борасидаги таклифлари қонунчиликда ўз аксини топди.

Қолаверса, “Адолат” СДПга аъзо бўлган фаол, ташаббускор, жамоа ва оилада намуна кўрсата оладиган, савияси, сиёсий онги юқори бўлган, халқимиз учун муқаддас бўлган оила асосларини янада мустаҳкамлаб, хонадонларида тинчлик-ҳотиржамлик, аҳиллик ва ўзаро ҳурмат муҳитини ярата олган аёлларни аниқлаш ва уларни рағбатлантириш мақсадида “Адолатли қайнона” республика кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда.

Мазкур кўрик-танлов аҳиллик ва ўзаро ҳурмат муҳитини ярата олган аёлларни аниқлаш орқали муаммоларни оилаларни яраштириш, ажримларнинг олдини олиш, хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида маҳаллаларнинг ўзида ҳал этиш имконини бермоқда.

Бугунги кунга қадар ушбу кўрик танловда 10 мингга яқин қайноналар адолатли қайнона бўлиш учун беллашмиди.

Бундан ташқари, “Бир адолатчи – юз аёлга ҳимоячи” лойиҳаси доирасида партия фаоллари, депутат-

лар томонидан чекка ҳудудларда истикомат қилаётган хотин-қизлар билан бевосита мулоқот ўрнатилди, хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш орқали уларга нисбатан жамиятда шаклланган салбий қарашларни ўзгартиришга қадар кўйилди. Сиёсий партиялар томонидан сайлов жараёнидаги хотин-қизлар ва эркекларни тенг асосда жалб қилиш, хотин-қизларни тайинланадиган раҳбарлик лавозимларига тавсия қилишга имкон яратилди.

2023 йилнинг ўзида “Бир адолатчи – юз аёлга ҳимоячи” лойиҳаси доирасида хотин-қизларни турли хил таълим ва ўзривонликлардан ҳимоялаш мақсадида “Аёлларни ўзривонликлардан ҳимоялаймиз”, “Аёл ҳуқуқларини таъминлаш – тенглик тамойилининг муҳим омил”, “Хотин-қизлар ўртасида ноқонуний меҳнат миграциясининг олдини олиш – соғлом ва адолатли жамият тараққиёти кафолати”, “Оила – муқаддас қўрғон”, “Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш – давр талаби”, “Фуқаролар репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш – оилалар мустаҳкамлиги ва жамият саломатлиги гарови”, “Илмли, маърифатли хотин-қизлар – мамлакат келажигининг мустаҳкам пойдевори”, “Давлат ва жамият ривожига хотин-қизларнинг илмли ва маърифатли бўлишининг тарихий тажрибаси”, “Сиёсий партияларда гендер тенглигини таъминлаш ва хотин-қизларнинг сиёсий партиялар фаолиятида иштирокини қўллаб-қувватлаш”, “Хотин-қизлар камситилишига барҳам берайлик!”, “Янги Ўзбекистонда хотин-қизларга яратилган имкониятлар” каби мавзуларда жами 1 580 марта ўрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этилиб, 108 616 нафар хотин-қизлар билан суҳбат олиб борилиб, уларнинг 10 515 нафарига ҳуқуқий, 2 987 нафарига моддий ёрдам, 954 нафар хотин-қизларга эса кредит олишларига амалий ёрдам кўрсатилди.

Суҳбатлар давомида тадбирларга жалб қилинган 250 минг нафардан ортиқ хотин-қизларга “Ҳимоя ордери”ни бериш тартиблари тушунтирилди ва 198 нафар ўзривонликка ўраган аёлларга “Ҳимоя ордери” олиб беришга эришилди. Касб-ҳунар ўрганишни хоҳлаган 3 000 нафар хотин-қизларни касбга йўналтириш ишлари олиб борилади. Партия депутатлик гуруҳлари халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши раислари кун тартибига

хотин-қизларнинг муаммолари юзасидан жами 65 та масала киритишга ва ечимини бўйича тегишли қарорлар қабул қилишга эришди. Халқ вакиллари – депутатлар аралашуви билан “Аёллар дафтари”га киритилган 1301 нафар хотин-қизлар билан юзма-юз мулоқотлар ўтказилиб, уларни қийнаётган 929 та муаммо ҳал этилди.

“Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси”га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳасининг муҳокама-ларида ҳам партиянинг “Аёллар қаноти” кенгаши аъзолари иштирокида “Конституциявий ислохотларда хотин-қизларнинг ўрни” мавзусида 250 дан ортиқ давра суҳбатлари ташкил этилди ва партиянинг фаол аъзолари томонидан 800 га яқин таклифлар берилди.

“Соғлом аёл – буюк келажак” ғоясини ҳаётга татбиқ этишга қаратилган хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш, уларни жисмоний тарбия ва спорт билан оммавий тарзда шугулланишга жалб қилиш борасида “Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз” шiori остида хотин-қизлар ўртасида 986 мартаба спорт мусобақалари ва марафонлар ўтказилди.

Шунингдек, жамият ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий масалаларни ҳал қилишда ва долзарб аҳамиятга эга бўлган қарорларни қабул қилиш ҳамда уларни амалга оширишда хотин-қизларнинг иштирокини кучайтириш мақсадида аҳоли орасида малакали мутахассислар иштирокида турли семинар-тренинглар, давра суҳбатлари ўтказилди.

Бу бежиз эмас. Боиси сўнгги йилларда хотин-қизлар муаммоларининг энг асосий сабабларидан бири оилавий ажримлар натижасида боқувчисиз қолган аёлларнинг ижтимоий инқирозга тушиб қолаётганидир.

Ҳар қандай жамият ва цивилизациялар оилавий муносабатлар атрофида шаклланган ва ривож топган. Давлат ва жамият равнақи ҳамда инқирози ҳам бевосита оилавий му-

носабатларнинг ҳолатига боғлиқ. Оила ва оилавий муносабатлар барқарорлигини таъминлаш ҳар қандай давлатнинг стратегик манфаати сифатида миллий хавфсизликнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда жамиятимизнинг муҳим бўғини ҳисобланган оилани, оилавий муносабатларни мустаҳкамлаш, ажримларнинг олдини олиш бўйича мунтазам чора-тадбирлар амалга оширилишига қарама-дан ажримлар сони охиб бораётганлиги кузатилмоқда.

Бу борадаги муаммоларнинг олдини олиш мақсадида “Адолат” СДП томонидан мамлакатимизда ўтказилган муҳим сиёсий жараёнларда судьялар сонини кўпайтириш, уларнинг ихтисослашувини янада кенгайтириш, жумладан, оилавий, меҳнат, интеллектуал мулк, вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид низолар бўйича ихтисослаштирилган судьялар корпусини шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўз ўрнида, мамлакатимиз тарихида муҳим сиёсий жараёнларга бой бўлган 2023 йилнинг 21 декабрь кунини давлатимиз раҳбари томонидан “Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармон қабул қилинган ва унда 2024 йилнинг 1 февралдан тажриба тариқасида фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд ва Наманган шаҳарлари туманлараро судларининг 2 нафардан судьясини оилавий низоларни қўриш бўйича ихтисослаштирган ҳолда, “Оила судьялари” ташкил этилаётганлиги юқоридаги сўзларимизнинг тасдиғидир.

“Оила судьялари”ни ташкил этиш каби партия ташаббусларининг амалиётга жорий этилиши оилавий ажримларнинг олдини олиш, ушбу йўналишдаги ҳуқуқий механизмларни янада такомиллаштириш каби жамиятдаги ижтимоий муаммоларнинг ечимига хизмат қилади.

Бундан ташқари, хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга доир қонунларнинг, давлат дастурийнинг ижроси, шунингдек, ҳудудлардаги ўрганишлар давомида аниқланган тизимли камчилик ва муаммоларни аниқлаш ва ҳал этишга қаратилган жами 1 420 та ўрганишлар (шундан “Аёллар дафтари” бўйича 683 та ва “Темир дафтар” бўйича 737 та) ўтказилиб, уларда 71 мингга яқин иштирокчи қамраб олинди.

Шунингдек, партиянинг “Бир ойда бир иш ўрни” лойиҳаси доирасида республиканинг барча ҳудудий Кенгаши фаоллари ва депутатлари кўмағида 1475 нафар ишсиз хотин-қизларнинг ишга жойлаштирилишига кўмаклашилди.

Мамлакатимизда аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва унинг жамиятдаги ва оиладаги ўрнини мустаҳкамлаш борасидаги имкониятлардан уларнинг тўғри фойдалана олишида, берилган имтиёзларни жамият ва давлат равнақи йўлида тўғри қўллаш олишида нафақат давлат органлари, балки фуқаролик жамияти ташкилотларининг йўқотса, унинг ҳаёти қандай кечадиган? Дам олиши, даволанишини ким кафолатлайди?

Мухтасар қилиб айтганда, опа-сингилларимизга муносиб меҳнат ва турмуш шароитини яратиш, уларни илм олишга, жамиятда фаол бўлишга ундаш нафақат партияларнинг, балки барчамизнинг вазифамиз, инсоний бурчимиздир. Зеро, аёл – жамият кўзгуси, миллат тарбиячиси. Унинг меҳр-муҳаббатига келажимиз эгаларининг жоннаҳ Ватанимиз равнақи ва осойишталиги, халқимиз фаровонлиги йўлида садоқат билан хизмат қилишда муҳим омил ҳисобланади.

Аёллар “мардикор бозори”га чиқмасин...

Бугунги кунда давлатимиз томонидан жамиятда хотин-қизларнинг фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Аёлга бўлган эътибор – оилага, жамиятга бўлган эътибор демак. Яратилган имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда барча соҳаларда аёлларнинг фаоллиги ортиб бормоқда. Бу, албатта, қувонарли.

Шунга қарамай, тан олиб айтиш керак, ҳаётда хотин-қизлар билан боғлиқ муаммолар йўқ эмас. Жумладан, уларнинг бандлигини таъминлаш борасида олдимизда катта вазифалар турибди. Негаки, бир аёлнинг ишсизлиги бутун бир оиланинг ташвиши демакдир. Тўғри, менталитетимиздан келиб чиқиб

айтадиган бўлсак, аёлларнинг оиладаги ишлари оз эмас, уйда фарзанд тарбияси билан бандлигининг ўзи энг шарафли иш. Бирок ҳар бир аёл оиласидан ортиб, бирон бир касб эгаси бўлишни, қайсидир соҳа ривожига ҳисса қўишини исташи аниқ.

Бугунги кунда андижонлик 19 минг 526 нафар хотин-қизни ўз атрофида бирлаштирган “Адолат” СДП Андижон вилояти кенгаши томонидан бу масалага ҳар доим эътибор қаратиб келинмоқда. Партиянинг “Бир адолатчи – юз аёлга ҳимоячи” лойиҳаси доирасида аёллар

бандлигини таъминлаш чоралари кўрилмоқда. Бу борадаги ҳаракатларимиз натижасида уларда партияимизга бўлган ишонч ортмоқда. Яқунланган 2023 йилда ишга жойлашмиш масаласида 378 та мурожаат келиб тушди. Партия фаолларининг кўмағи билан 192 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланди.

Бизни қийнаётган муаммолардан яна бири — айрим аёлларнинг норасмий

меҳнат бозорига иштирок этаётганидир. Тирикчилик, рўзгор ташвиши уларни бунга мажбур қилмоқда. Кунлик пул топаётганидан хурсандлиги аниқ. Бироқ унинг ҳуқуқи, хавфсизлиги ва эртаси ҳақида ҳам ўйлаш керак. Бугун соғлом бўлгани учун ишлаётган эртага аёл саломатлигини йўқотса, унинг ҳаёти қандай кечадиган? Дам олиши, даволанишини ким кафолатлайди?

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мавжуд бўш иш ўринларини уларга таклиф этаймиз. Амалдаги қонунчилик асосида ишлаш, биринчи навбатда унинг ўзи учун фойдали эканлиги тушунирилмоқда. Қайсидир даражада натижага эришиляпти. Бироқ муаммодан батамом қутула оламизми йўқ. Бутун жамоатчилик бираалиқда ҳаракат қилсакки, аёлларни “мардикор бозори”дан озод эта оламиз, деб ўйлаймиз.

Жамоатчилик назорати

Мамлакатимизда доривор ва зиратор ўсимлик етиштирувчиларни қўллаб-қувватлашда кенг қўлланма ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг бир қатор фармон ва қарорларида бу йўналишдаги мезонлар белгилаб берилган. Айниқса, доривор ўсимликларнинг генофондини сақлаб қолиш, кўпайтириш, уларни маданийлаштириш учун катта куч сарфланмоқда. Кенг миқёсда амалга оширилаётган ишлар шунинг кўрсатдики, етиштирилган маҳсулотларни сотиш, экспорт қилиш бўйича кластерлар янги йўналишни – “Доривор ўсимликлар” саноат йўналишини вужудга келтирди.

Рустам ҲАМРОЕВ,
Ўзбекистон “Адолат” СДП
Сурхондарё вилоят кенгаши раиси

Хусусан, доривор ўсимликларни маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва даволашда улардан кенг фойдаланишни ташкил этиш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, доривор ўсимликларнинг афзалликларини аҳоли ва шифокорлар орасида кенг тарғиб қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бугунги кунда тиббиётнинг ривожланиши учун тарихий тажрибаларни ўрганиш ва таҳлил этиш, доривор ўсимликларни ўрганиш, республикамиз иқлим шароитида табиий ҳолда мавжуд бўлган доривор ўсимликлар турларини асраш, интродуцент турларини мослаштириш (адаптаци) ва кенг масштабни плантациялар яратиш долзарб масалага айланди.

Бу борада Ўзбекистон “Адолат” СДП Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг 2023 йил 16 октябрдаги 49-сон мажлиси 1-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида партиянинг Сурхондарё вилоят кенгаши, халқ депутатлари вилоят Кенгаши, вилоят ҳокимлиги, вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси, вилоят Давлат-ўрмон хўжалиги масъул ходимларидан иборат Ишчи гуруҳлар тузилиб, доривор ўсимликларни маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ҳамда даволашда улардан кенг фойдаланиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳолати ўрганилди.



Доривор ўсимликлар тайёрлаш ТАЛАБ ДАРАЖАСИДАМИ?

Бойсун туманида жорий йил режасида 160 гектар ер майдонида доривор ўсимликлар экилиши белгиланган бўлиб, туманда аслида 454 гектарга доривор ўсимликлар экилган, шундан 5 гектар ер майдонида қоврак экилганлиги ва 65 тонна ҳосил олиниб, 10 гектар майдонга шамбала доривор ўсимлиги экилганлиги ва 8 тонна ҳосил етиштирилганлиги маълум бўлди. Бундан ташқари, 11 гектар ер майдонида қорума доривор ўсимлиги экилган ва 5 тонна ҳосил етиштирилган.

Сариосиё туманида жорий йил режасида 25 гектар ерда доривор ўсимликлар етиштирилиши белгиланган бўлиб, 3 гектар ер майдонида заъфарон доривор ўсимлиги экилган ва 3 тонна ҳосил етиштирилган, Узун туманида эса мазкур қарорга асо-

сан жорий йил режасида 70 гектар ер майдонида доривор ўсимликлар етиштирилиши белгиланиб, 3 гектар ер майдонида қоврак доривор ўсимлиги экилган ва 11 тонна ҳосил етиштирилган.

Шунингдек, Шеробод туманида қарорга асосан жорий йил режасида 1305 гектар ер майдонида доривор ўсимликлар етиштирилиши белгиланган бўлиб, 450 гектар ер майдонида қоврак доривор ўсимлиги экилган ва 57 тонна ҳосил етиштирилганлиги, Шўрчи туманида эса жорий йил режасида 29 гектар ерда доривор ўсимликлар етиштирилиши белгиланган бўлиб, 2 гектар ер майдонида стевия доривор ўсимлиги экилганлиги ва 12 тонна ҳосил етиштирилганлиги маълум бўлди.

Бундан ташқари, вилоятда “Бойсун-Фарм” ЭИЗ, “Самад Самариддин Фарм” МЧЖ, “Ясмина Бону Барака Файз” фермер хўжалиги ва “Оллоҳроҳун” стевия экспериментал фермер хўжалиқлари ташкил этилган бўлиб, улар ҳам доривор ўсимликларни етиштириш билан шуғулланиб келаётганлиги аниқланди.

Ўрганишлар асосида Бойсун туманидаги “Бойсун-Фарм” ЭИЗ томонидан 21 гектар ерда доривор ўсимликлар экилганлиги, шундан 10 гектар ерда шамбала доривор ўсимлиги экилган бўлиб, 8 тонна ҳосил етиштирилганлиги, 11 гектар ерда қорума доривор ўсимлиги экилган бўлиб, 5 тонна ҳосил етиштирилганлиги маълум бўлди. “Бойсун-Фарм” ЭИЗ доривор ўсимликлар етиштирилиши ва уларни қайта ишлашни янада яхшилаш мақсадида Сурхондарё вилоят “До-

ри-дармон” МЧЖ томонидан 2024 йилнинг 1-2 чораги давомида имтиёзли кредитлар ҳисобидан маҳаллий доривор ўсимликлар, яъни шиповник, исирик, кийик ўтларини қайта ишлаш ва қадоклашни йўлга қўйиш режалаштирилган.

Шунингдек, Сариосиё туманидаги “Ясмина Бону Барака Файз” фермер хўжалигида 22 гектар ерда заъфарон доривор ўсимлиги экилиб, 3 тонна ҳосил етиштирилган.

Бундан ташқари, Шўрчи туманидаги “Оллоҳроҳун” стевия экспериментал фермер хўжалиги томонидан 27 гектар ерда стевия доривор ўсимлиги экилиб, 12 тонна ҳосил етиштирилган. Мазкур ўрганишлар давомида мутасаддилар жойларда фермерлар доривор ўсимликларни экиш ва ҳосил олишда бир қатор камчиликларга йўл қўйганларини ҳам аниқладилар.

Масалан, Бандихон туманидаги “Самад Самариддин Фарм” МЧЖ томонидан 27 гектар ерда расторопша доривор ўсимлиги экилган бўлиб, атиги 12 тонна ҳосил етиштирилган.

Шу билан бирга вилоятда лалми ерларда доривор ўсимликлар етиштирувчи Бойсун туманидаги “Қурбон Али Амин” фермер хўжалиги, Шеробод туманидаги “Ҳомкон Шеробод Тараққиёт” фермер хўжалиги, “Ажойиб аср” МЧЖ, Узун туманидаги “Умид Амир Бек” МЧЖ-лар ташкил этилган. Афсуски, Бой-

Сурхондарё ўрмон хўжалигида 14 турдаги доривор ўсимликлар етиштириш учун ажратилган 70 гектар ер майдонининг бор-йўғи 43 га гектаридан фойдаланилган, Бойсун давлат ўрмон хўжалиги учун ажратилган 283 гектар ернинг атиги 61,5 гектарига доривор ўсимликлар экилган, холос.

Ишчи гуруҳлари мамлакатимизда доривор ўсимликларни маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш соҳасини ривожлантириш бўйича тадқиқланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида вилоятда доривор ўсимликларни маданий ҳолда етиштирувчи ва қайта ишловчи кластерлар фаолият олиб бораётган ҳудудларда ўрганишлар олиб борди.

Ўрганишлар давомида аниқланишча, вилоятда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган суғориладиган ва лалми ер майдонларида жорий йил режаси бўйича 1614 гектар ерда доривор ва зиратор ўсимликлар экилиши белгиланган бўлиб, 490 гектар ерда қоврак, заъфарон, расторопша, стевия, шамбала, қорума каби доривор ўсимликлар экилганлиги аниқланди. Фермер ва қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан доривор ўсимликлар умумий майдони 1942 гектарга (1839 гектарига қоврак, 29 гектарига стевия, 25 гектарига заъфарон, 48 гектарига бошқа ўсимликлар) экилганлиги ҳамда ушбу майдонлардан жами 173 тонна доривор ўсимликлар хом ашёси етиштирилганлиги маълум бўлди.

Шунингдек, Бандихон туманида жорий йил режасида 26 гектар ер майдонида доривор ўсимликлар етиштирилиши белгиланган бўлиб, 27 гектар ер майдонида расторопша доривор ўсимлиги экилган ва 12 тонна ҳосил етиштирилган бўлса,



Ковракзорда ЧОРВА БОҚИЛМОҚДА...

Бугун мамлакатимиз ҳар жаҳада изчил тараққий этиб бормоқда, бунинг омили давлатимиз раҳбари томонидан узоқни кўзлаб, амалга оширилаётган чуқур ислохотлар билан узвий боғлиқдир. Шу билан бирга, турли соҳаларда халқимизни қийнаб келаётган жиддий муаммолар ҳам сақланиб қолмоқда. Ана шундай муаммолардан бири сифатида тиббиёт соҳаси ҳамда фармацевтика саноатида юзага келаётган муаммоларни қайд этиш мумкин.

Бу каби масалаларни ҳал этишда барча соҳа ва кенг жамоатчиликнинг ўрни ва роли бекиёс. Айниқса, бу борада халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларининг фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Шу боисдан “Адолат” СДПнинг халқ депутатлари Навоий вилоятдаги депутатлик гуруҳларининг жамоатчилик назорати тарзида амалга оширилаётган фаолияти самарали бўлмоқда.

2023 йилнинг октябрь ва ноябрь ойларида партиянинг халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 майдаги ПҚ-251-

сонли “Доривор ўсимликларни маданий ҳолда етиштириш ва қайта ишлаш ҳамда даволашда улардан кенг фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг вилоятдаги ижроси бўйича ўрганиш ишлари олиб борилди. Ўрганишлар натижасида депутатларимиз томонидан соҳа ривожланишида муаммолар борлиги маълум бўлди. Аниқланган муаммоларни тезкорлик билан ҳал этиш имконияти бўлган масалалар юзасидан партия депутатлари томонидан соҳага масъул корхона ва ташкилотларга депутатлик сўровлари юборилиб, алоҳида назоратга олинди.

Халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашининг навбатдаги 65-сессиясида мазкур қарорнинг Нурота ва Қизилтепа туманларидаги ижроси муҳокама этилди.

Унда халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашидаги “Адолат” СДП депутатлик гуруҳи раҳбари Рустам Хайитов маъруза қилиб, соҳани ривожлантиришдаги муаммолар тўғрисида сўз юритди.

Хусусан, Нурота туманидаги “FERULA EXPORT CLUSTER” МЧЖ томонидан барпо этилаётган қоврак плантациялари ер майдонларига маҳаллий чўпонлар томонидан турли ҳолатлар бўйича босим ўтказилиб, кескин қаршилик қилинаётганлиги, чорва моллари атайлаб қоврак экиладиган ер майдонларида боқилаётгани, экин майдонлари пайхон бўлаётганлиги



аниқланди. Мазкур ҳолат бўйича кластер маъмурияти томонидан туман ИИБ масъул ходимларига бир неча маротаба мурожаат қилинишига қарамасдан, чўпонлар хатти-ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо берилмай, қонуний чора кўрилмасдан келинмоқда.

Қизилтепа туманидаги “Жаббор хусусий дорихонаси” МЧЖ кластери томонидан ишлаб чиқарилган доривор ўсимликларни маҳаллий бозорга сотиш ва давлат тиббиёт ташкилотлари томонидан харид қилинмаётганлиги, маҳаллий ТВда доривор ўсимликлар ва улардан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг тиб-

бий аҳамияти ҳамда уларни қўллашга оид махсус кўрсатувлар ва роликларни мунтазам ёрғитиб борилаётганлиги каби муаммолар сақланиб қолмаётганлиги таъкидланди.

— Сессияда сўз олган депутатлар ҳамда сессия раиси томонидан бу муаммоларни ҳал қилиш йўллари кўрсатиб ўтилди. Ушбу масаланинг долзарблигини эътиборга олиб, унинг назоратини нафақат вилоят, балки барча туман ва шаҳар депутатлари ўз зиммаларига олса, унинг самарадорлиги янада ортади, — деди халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Жамолдин Ҳамроев.



...коврак плантациялари ер майдонларига маҳаллий чўпонлар томонидан турли ҳолатлар бўйича босим ўтказилиб, кескин қаршилик қилинаётганлиги, чорва моллари атайлаб қоврак экиладиган ер майдонларида боқилаётгани, экин майдонлари пайхон бўлаётганлиги аниқланди. Мазкур ҳолат бўйича кластер маъмурияти томонидан туман ИИБ масъул ходимларига бир неча маротаба мурожаат қилинишига қарамасдан, чўпонлар хатти-ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо берилмасдан келинмоқда...

Сессия қарорига кўра, халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашида соғлом турмуш тарзини ташкил этиш, аҳолини сифатли, хавфсиз дори воситалари билан таъминлаш ва доривор ўсимликларни етиштириш юзасидан амалга оширилган ишларни мониторинг қилиш бўйича жамоатчилик штаби ташкил этилди.

Энг муҳими, ушбу сессия ишида “Адолат” СДП депутатлик гуруҳи томонидан “Навоий вилоятда доривор ўсимликларни маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ҳамда даволашда улардан кенг фойдаланиш бўйича амалга оширилган ишларни ўрганиш тўғрисида”ги масала кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Навоий вилоят кенгаши матбуот хизмати



МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАЎКАМ ҚАЛҚОНИ

Мамлакатимизда давлатимиз мустақиллиги ҳамда халқимизнинг тинчлигини сақлаш борасида Қуролли кучларимизни такомиллаштириш, жумладан, мудофаа соҳасини замон талаблари даражасида ривожлантиришга доир қатор тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Қуатбой МИРЗАБОЕВ,
"Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати етакчи мутахассиси

Хусусан, 1991 йил 31 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида"ги қонунда "Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлигини тузиш, Миллий гвардия ва муқобил хизматни ташкил этиш ҳуқуқига эга" деб ҳуқуқий жиҳатдан мустақамланди. 1991 йил 6 сентябрь — истиқлолнинг бешинчи куниёқ тарихда илк бор Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлиги ташкил этилди. 1992 йил 14 январь куни эса мамлакатимиз ҳудудидаги барча Қуролли кучларни Ўзбекистон Республикаси юрисдикциясига ўтказиш тўғрисидаги қарор қабул қилинди. Ўтган даврда Қуролли кучларимизни шакллантириш жараёнига давлат қурилишининг гоёт муҳим, узвий бир қисми сифатида қаралди.

Ўзбекистон Республикаси ўз Қуролли кучларини тузишда БМТнинг ҳуқуқий меъёрлари, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Хельсинки яқунловчи акти, МДХ доирасидаги қатор халқаро ҳужжатларнинг барча талабларига риоя қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 3 июлдаги фармонида мувофиқ Мудофаа ишлари вазирлиги Мудофаа вазирлигига айлантирилди. Ўзбекистон Республикасининг "Мудофаа тўғрисида", "Умумий ҳарбий мажбурия ва ҳарбий хизмат тўғрисида" ҳамда "Муқобил хизмат тўғрисида"ги қонунлари қабул қилинди.

Давлатнинг мудофаа қобилиятини янада мустақамлаш, Қуролли кучларнинг жанговар шайлигини, унинг имкониятлари ва қобилиятини кучайтириш, кадрлар салоҳиятини ошириш мақсадида қўшинларни замонавий қурол-аслаҳа, ҳарбий ва махсус техника ҳамда жиҳозлар билан таъминлаш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб, хорижий давлатлар, шу жумладан, Марказий Осиё минтақасидаги мамлакатлар билан барча соҳаларда ўзаро дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик руҳидаги муносабатларни сифат ва мазмун жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш борасида қатор амалий чоралар кўрилди ва бу борадаги ташқи сиёсат ўзи мазмунда орқага қайтмас ҳаракат сифатида тус олди.

Соҳадаги улкан ўзгаришларнинг ижобий натижаси сифатида Ўзбекистон ҳарбийларининг "Халқаро армия ўйинлари", "Кембрия патрули" (Англия), "Энг яхши жангчи" (АҚШ) ва бошқа йирик ҳарбий-спорт мусобақаларида бир неча йиллардан буён салмоқли ютуқларни қўлга киритаётгани барчамизни қувонтиради. Глобал Фиреповер маълумотларига кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳарбий салоҳияти бўйича бир неча йиллардан буён Марказий Осиёда биринчи ўринни қайд этиб келмоқда.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли кучлар Олий Бош қўмондони Шавкат Мирзиёев

раислигида жорий йилнинг 2 январь куни мудофаа қурилиши ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларини ривожлантириш масалаларига бағишланган хизмат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда қўшинларнинг жанговар шайлиги ва жанговар қобилиятини янада ошириш, уларни замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминлаш, мавжуд қурол-яроғ намуналарини модернизация қилиш, шунингдек, ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари ва Қуролли кучлар фахрийларини ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Соҳибқирон Амир Темурунинг "Темур тузуқлари"даги "Тажрибамда кўрилганким, аzzим қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир", деган сўзлари бугунги кунда ҳам нақадар долзарб аҳамиятга эга эканлиги барчамизга аён. Чунки дунёда кечаётган глобал жараёнлар огоҳлик ва ҳушёрликни янада оширишни, тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш йўлида собитқадам бўлишни тақозо этмоқда. Маълумки, Халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги декларацияда куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик, давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, мамлакатларнинг халқаро ҳамкорлиги, халқлар ва миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш, давлатларнинг халқаро мажбуриятларини виждонан бажариш принциплари, уларнинг суверен тенглиги каби муҳим принциплар қайд этилган.

Мамлакатимиз Бош қонунда Ўзбекистон Республикаси халқаро майдонда тўла суверен давлат сифатида халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари устуңлигини тан олган ҳолда ташқи сиёсатда давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан

ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва нормаларига асосланиши белгиланган.

Бугун мамлакатимизда тинчлик-осойишталик, халқимиз ҳаётида эса фаровонлик ҳукм сурмоқда. Бунда, албатта, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш ҳамда ҳимоя қилишда Қуролли кучларнинг, хавфсизлик ва ҳуқуқни муҳофиза қилувчи идораларнинг ўрни беқийсдир. Зеро, "Халқ ва армия — бир тану бир жон".

Бугунги кунда давлатимиз раҳбарининг оқилона сиёсати ҳамда Ватанимиз посбонларининг машаққатли, шу билан бирга шарафли хизматлари туфайли юртимиздаги ҳар бир уйда урушдан азият чеккан, фарзандидан айрилган оналар фарёди эмас, фарзандларимизнинг тўйларига гувоҳ бўлаётган, ўз қақалоқларини "алла" билан ухлатаётган оналарнинг бахтиёр ҳаётига гувоҳ бўламиз. Ота-оналар ўз фарзандларини ҳарбий хизматга қўқув аралаш кўзда ёш, юракда минг бир хавотир билан эмас, балки менинг ўғлим ҳақиқий Ватан ҳимоячиси бўлади, дея юксак ишонч ва фахр тўғриси билан кузатмоқда.

Халқимиз Ватанга садоқатли, профессионал тайёргарликка эга бўлган, мамлакатимизнинг хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш, фуқароларимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилишга қодир бўлган Миллий армиямиз билан фахрланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси номидан қалблари ватанпарварлик, шижоат ва ғайратга тўла ёшларимизни, шунингдек, Миллий армиямизнинг равақи учун бевосита ҳисса қўшиб келаётган ҳарбий хизматчиларни 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари ташкил этилганлигининг 32 йиллиги билан самимий қўтлаймиз.

Чирчқ шаҳрида партиямиз ташаббуси билан Ватанимиз сарҳадларини, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини, фуқароларимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини шараф билан мардонавор ҳимоя қилиб келаётган юртимиз посбонларини байрам билан табриклаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлиги тасарруфидagi ҳарбий қисмда "14 январь — Ватан ҳимоячилари куни" мавзусида байрам тадбири ташкиллаштирилди.

Унда мазкур ҳарбий қисм раҳбарияти ва ҳарбий хизматчилар ҳамда уларнинг яқинлари, партия Марказий аппарати ҳамда Тошкент вилоят Кенгаши раҳбарияти ва ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасидаги партия вакиллари, феоаллар ва ОАВ ходимлари иштирок этишди.

Дастлаб, Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари Абдуқамол Раҳмонов Ватан мудофаасидек шарафли ишда фидоийлик кўрсатаётган мард ва жасур мамлакатимиз ҳимоячиларини, барча юртдошларимизни байрам билан табриклаб, миллий армиямизнинг куч-қудрати азму шижоатли ва ҳар ишда етук салоҳиятли ҳарбий хизматчиларимизнинг, багрикенг ва олижаноб халқимизнинг бирлиги ва ҳамжиҳатлигини қайд этиб ўтди.

Тадбирда сўз олганлар Қуролли кучларимизнинг шонли тарихи, бугунги куч-қудра-

тини таъминлаш борасида босиб ўтилган босқичлар ҳамда эришилган салмоқли тажрибалар хусусида ҳам сўз юритдилар.

Таъкидланганидек, давлатимизнинг мудофаа қобилиятини янада мустақамлаш, Қуролли Кучларнинг жанговар шайлигини, унинг имкониятлари ва қобилиятини кучайтириш, кадрлар салоҳиятини ошириш мақсадида қўшинларни замонавий қурол-аслаҳа, ҳарбий ва махсус техника ҳамда жиҳозлар билан таъминлаш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб, хорижий давлатлар, шу жумладан, Марказий Осиё минтақасидаги мамлакатлар билан барча соҳаларда ўзаро дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик руҳидаги муносабатларни сифат ва мазмун жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш борасида қатор амалий чоралар кўрилди ва бу борадаги ишлар самарали давом эттирилмоқда.

Санъаткорлар ва ҳарбий оркестр иштирокида тадбирнинг бадий қисми концерт дастури билан давом этди.

Шунингдек, анжуман доирасида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлиги тасарруфидagi ҳарбий қисмда ташкил этилган "Очиқ эшиклар куни" маросими ҳам ўтказилди.

Тадбир якунида хизмат фаолиятида юқори натижага эришяётган ҳамда самарали меҳнат қилаётган ҳарбий хизматчилар қўмондонлик ва Ўзбекистон "Адолат" СДП томонидан тақдирландилар.

"Адолат" СДП Матбуот хизмати



